

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография
ва давлат кадастри давлат қўмитаси


**Давлат ҳокимият органлари ҳамда туман ер ресурслари ва
давлат кадастри бўлимларининг ер муносабатларини
тартибга солишдаги ваколатлари**

**Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер
кадастри бошқармаси бошлиғи**

Алимов Аваз Халилович

Тошкент – 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



- * Республикаизда ҳозирги кунда ер ресурсларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Мухтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чукурлаштириш ва ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунларни амалга ошириш ҳозирги даврнинг энг муҳим талаблари даражасига кўтарилди. Уларни амалиётта тадбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарор ва фармойишлари, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди.
- * Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги 598-І-сон Қонуни билан тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги 599-І-сон Қарорига мувофиқ 1998 йил 1 июлдан амалга киритилди.
- * Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.



ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЛАР ВА НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Кодекс ва қонунлар

- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни;



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик сув ва майший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 174-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 575-сон Қарори билан “Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи маҳсус комиссия тўғрисида Низом” ;

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги 543- сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 492- сонли ;



Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги «2004 — 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 66-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 272-сонли;

Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 29 майдаги “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сонли;



Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистон Миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 277-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон республикаси қуролли кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиralар сотиб олиш ва якка тартиbdаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги 163-сонли;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 марта “Боғдорчилик-узумчилик ширкатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 51-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 146-сонли;



Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 147-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек обьектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 июндаги «Ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли ташкилотлар билан келишиш, шунингдек қурилиш соҳасида рухсатномалар бериш тартиботларини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 154-сонли;



Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 марта «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 48-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 235-сонли;



**Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасида
Туманлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини
тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қўйидагилар туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш - ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;



фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш;

фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини кимошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекорқ;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш белгиланган.



Ер кодексининг 14-моддасига асосан Ер мониторингини ўтказиш тартиби *Вазирлар Мажкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сон Қарори билан “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.*

Ер мониторинги ерлардан фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади ва ер фонди тоифаларига мувофиқ бўлган қуидаги кичик тизимларга бўлинади:

- қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар мониторинги;
- аҳоли пунктлари ерлари мониторинги;
- саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар мониторинги;
- табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион мақсадлардаги ерлар мониторинги;
- тарихий-маданий мақсадлардаги ерлар мониторинги;
- ўрмон фонди ерлари мониторинги;
- сув фонди ерлари мониторинги;
- захира ерлар мониторинги.



Ер кодексининг 15-моддасига асосан **Давлат ер кадастрини юритиш** Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сон Қарори билан "Давлат ер кадастрини юритиш тартиби түғрисида"ги Низом белгиланган

Давлат ер кадастри қуидаги таркибий қисмларга бўлинади:

ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи,

ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш,

ижарага олиш ҳуқуқи,

сервитутларни ҳамда бу ҳуқуқларга доир бошқа чеклашларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

ер микдорини ҳисобга олиш;

ер сифатини ҳисобга олиш (тупроқ бонитетини аниқлаш);

ерни қиймат жиҳатидан баҳолаш.



Ер кодексининг 34-моддасига асосан Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хузурида ер участкаларини бериш (реализация қилиш)** масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар тузилади. Комиссиялар таркибиغا ер ресурслари ва давлат кадастри (комиссия котиби), қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура ва курилиш, геология ва минерал ресурслар, давлат мулкини бошқариш, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

*Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сон Қарори билан “Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи маҳсус комиссия тўғрисида Низом” тасдиқланган бўлиб, **шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари хузуридаги** ердан самарали фойдаланиш бўйича доимий ишловчи маҳсус комиссияларнинг функциялари ва иш тартиби белгиланган.*

Ушибу ҳужжат Ер кодексининг 34-моддаси ва ҳозирги кун талабларига мос келмайди. Шу сабабли ушибу ҳужжатни янгидан қайта ишилаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқга киритилди.



- * Ер кодекси 84-модда. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органлари амалга оширадилар.
- * Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом” га асосан амалга оширилади.
- * Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон Қарори билан “Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиши устидан давлат назорати тўғрисидаги Низом” тасдиқланган бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиши устидан давлат назоратини амалга ошириши тартибини, шунингдек ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгиланган.
- * Ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни посёлка, қишлоқ ва овул **фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида** амалга оширадилар.
- * Ер кодексининг 4,5,6,7-моддаларида Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиши соҳасида ваколатлари белгиланган.



* Ер кодекси 85-модда. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза

* қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби

* Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида куйидаги ҳукуқларга эга:

* ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш, мазкур масалалар бўйича барча зарур ҳужжатларни ва материалларни олиш, тупроқнинг кадастр маълумотларига мослигини аниқлаш мақсадида тупроқни текшириш;

* ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар (ёзма буйруқлар) бериш;

* айбор мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган заарнинг ўрнини қоплаш бўйича даъволар тақдим этиш, айбор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига тақдимномалар юбориш;



- * ер түғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ерларни ижарага бериш шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек ерлардан фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тақдим этиш;
- * ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича юридик ва жисмоний шахслардан зарур ахборотлар олиш, мазкур масалалар юзасидан давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари ва ахборотларини эшитиш;
- * ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш ишларида қатнашиш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида Низом”нинг З-қисм 27-бандига асосан туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари мулкдорлардан, ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан ва ижарачилардан хуқуқий ҳолатда, ер участкаларининг таркибида ва ер участкаларидан фойдаланишда юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тўплайдилар ва натурада текширилгандан кейин жорий ўзгаришларни уч кун мобайнида ер кадастри ахборотига киритадилар, туман (шаҳар) ер ресурслари миқдори ва уларнинг сифати тўғрисидаги маълумотлар банкларини тузадилар ва уларни замонавий даражада тутадилар ҳамда ҳар йили 15 январгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларига ерларнинг миқдори ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисбот тақдим этадилар.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори билан тасдиқланган

“Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар, шунингдек икки ва ундан ортиқ туманлар (шаҳарлар) ёки вилоятлар ҳудудида жойлаштириладиган объектлар қурилиши учун аҳоли пунктлари ташқарисидан ер участкалари бериш тартиби тўғрисида Низом”нинг 21-бандига асосан Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимни хулосасида қўйидагилар кўрсатилади:

- мулқдорлар, ер эгалари, фойдаланувчилар ва ижаравчиларнинг (мавжуд бўлса) экин майдонлари бўйича берилётган ер участкасининг умумий майдони;

- ер участкасининг сифат тавсифлари;

- ер участкасини унумдор қилишнинг зарурлиги ва унинг (қишлоқ, ўрмон, балиқчилик хўжалигига ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун) йўналиши), тупроқнинг унумдор қатламини кўчириб олишнинг зарурлиги;

*¹ Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 29 майдаги 97-сон ҳамда «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарорларидаги тартибда белгиланган ер эгалари, фойдаланувчилар, ижаравчилар ва ер участкаларининг мулқдорлари ерларининг улардан олиб қўйилиши (ҳақ тўлаб олиниши) муносабати билан уларга етказган заарлар микдорлари (заарлар ва йўқотишлар мавжуд бўлса);

*² ер эгалари, фойдаланувчилар, ижаравчилар ва мулқдорлардан ер участкасини олиб қўйишнинг шартлари (мавжуд бўлса);

*³ янги ер участкалари ёки квартира олишни хоҳловчилар кўрсатилган ҳолдаги кўчирилаётган фуқаролар оиласарининг таркиби (мавжуд бўлса).



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 30.10.2003 й. № 476

Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган НИЗОМ талаблари асосида амалга оширилади.

фермер хўжалигининг ер участкасига бўлган ҳуқуқини расмийлаштириш тартиби

Туман ҳокими қарори қабул қилингандан кейин туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан беш кун муддатда намунавий шаклга мувофиқ **ер участкасини ижарага бериш **шартномаси** тайёрланади.**

Ер участкасини ижарага бериш **шартномаси вилоят ҳокими томонидан тегишли қарор қабул қилингандан кейин туман ҳокими ва **фермер хўжалиги** бошлиғи томонидан имзоланади.**



Шартномага, унинг ажралмас қисми сифатида фермер хўжалиги ер участкасининг харитаси илова қилинади.

Ер участкасини узоқ муддатли ижрага бериш **шартномаси** туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида **рўйхатдан ўтказилади** ва фермер хўжалигининг ер участкасини ижарага олганлик **хукуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.**

Шартнома тузилгандан кейин **беш кун муддатда** туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими вакили чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари иштирокида фермер хўжалиги бошлиғига ижарага бериладиган ер участкаси **чегараларини кўрсатади** ва **далолатнома билан расмийлаштирилади.**



Ерларни ижарага беришни расмийлаштириш ишлари тугаллангач **ер тузиш йиғмажилди тайёрланади**, унда қуидаги ҳужжатлар мавжуд бўлади:

фуқаронинг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризаси;

ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг ўтказилган танлов якунлари тўғрисидаги баённома;

туман ва вилоят ҳокимининг фермер хўжалиигига ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги қарори;

ер участкасини ижарага бериш шартномаси;

фермер хўжалигининг бизнес-режаси;

фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини кўрсатиш далолатномаси.



Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг асосий вазифалари ва функциялари:

Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг асосий вазифалари:

- мавжуд ерлардан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузишни ва ер мониторингини ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини саклаш, ошириш ва қайта тиклаш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
- ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиниши устидан Давлат назоратини амалга ошириш;
- давлат Ер кадастри ҳамда бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритилишини ташкиллаштириш;
- давлат кадастрлари ягона тизимиға киритиладиган маълумотларни белгиланган тартибда тўплашни ва юқори органларга тақдим этилишини мувофиқлаштириш;
- қонун хужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш;



Тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

-юридик ва жисмоний шахсларнинг ердан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

-ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини тъминлайди;

-ер тузиш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашни такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

-ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан ер қонунчилигига амал қилиши устидан “Давлат назорати”ни ташкил этади ва амалга оширади, йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ўз вақтида чора кўрилишини тъминлайди;

-ер фондининг ҳолатини назорат қилиш, ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида ерларнинг мониторингини амалга оширади;



- жойлардаги маҳаллий давлат хокимияти органлари билан биргаликда ерлардан оқилона фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

- тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда ер участкаларини ажратиш ёки олиб қўйиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда туман ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 85-моддасига кўра, Тақдимномалар киритади;

- маъмурий-худудий бўлинишлар ва ахоли пунктларининг чегараларини аниқлаш, белгилаш ва тиклашни ташкил этади ва амалга оширади;

- ерлардан фойдаланиш ва мухофаза қилиниши устидан “**Давлат назорати**”ни амалга оширади;

- давлат ер кадастри ҳамда бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритилишини ташкиллаштиради;

- давлат кадастрлари ягона тизимига киритиладиган маълумотларни белгиланган тартибда тўплашни ва юқори органларга тақдим этилишида туман “Ермулккадастр” хизмати Давлат унитар корхонаси устидан назорат қиласи;

- ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида белгиланган тартибда ҳар йили ҳисобот тузади ва бошқармага тақдим этади.



Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг хуқуқлари:

Туман Ер ресурслар ва давлат кадастри бўлими ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги **хуқуқларга** эга;

- бошқарув органлари ва жойлардаги давлат хокимияти органларидан, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлардан ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш ва тўловсиз асосда олиш;

- бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассаса ҳамда ердан фойдаланувчилар раҳбарларининг туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ваколатларига киритилган масалалар бўйича ҳисоботларини эшлиш;

- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масалалари бўйича корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда ердан фойдаланувчиларни белгиланган тартибда текширишдан ўтказиш, бошқарув органлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ер қонунбузилиш ҳолатлари ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган ёзма кўрсатмалар бериш;



- ер қонунчилигининг бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш, ер қонунчилигининг бузилиш оқибатида келтирилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво киритиш, ер қонунчилигини бузганлиги учун айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига Такдимномалар киритиш;

- ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ер майдонларига бўлган ҳукуқларни тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

- ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилинишини назорат қилиш, шунинdek Давлат кадастрлари ягона тизимини (ДКЯТ) юритиш билан боғлиқ масалаларни биргаликда ишлаб чиқиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, идоралар, муассаса ва ташкилотлар мутахасисларини белгиланган тартибда жалб этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ, бошқа ҳукуқларга эга бўлиши мумкин.

Тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларининг самарали бажарилиши учун масъулдир.



Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг фаолиятини ташкил этиш

Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи "Ергедезкадастр" Давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда Бошқарма бошлиғининг буйруғига мувофиқ лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлим бошлиқлари айни бир пайтда ердан фойдаланиш ва уни мухофаза қилишни назорат қилиш бўйича "**Давлат инспектори**" ҳисобланади.

Тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ваколатлари доирасида ердан фойдаланиш ва ер тузиш, ердан фойдаланишни назорат қилиш фаолияти соҳасида қабул қилган қарорларининг бажарилиши юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.



Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлим бошликлари:

- бўлим фаолиятига раҳбарлик қиласи ва бўлимга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини назорат қиласи;

шунингдек, туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати Давлат корхонаси раҳбарини лавозимга қувишда тавсия беради ҳамда бажарадиган ишларни **“Мувофиқлаштиради ва назоратини”** олиб боради;

- бўлим томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, кўрсатмалар беради ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назорат қиласи;

- тегишли органларда бўлим номидан вакиллик қиласи;

- ердан фойдаланиш ва ер тузиш, ердан фойдаланишни назорат қилишга оид қонунчиликни бузиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича қарор қабул қиласи;

- махаллий давлат ҳокимияти органларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ва судда, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарда бўлим манфаатини ҳимоя қиласи;

- ўз ишини тегишли туманнинг давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб боради.





ЭТЬИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ !